

## ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИДА ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИНГ МОҲИАТИ ВА ЎРНИ

Туйчиев Исомиддин Қосимжонович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15186074>

**Аннотация.** Ушбу мақолада озодликни чеклаш жазосининг ҳуқуқий табиати, унинг фалсафий асослари ҳамда турли давлатлардаги амалиётлари таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидаги озодликни чеклаш тушунчаси халқаро меъёрлар, жумладан, БМТнинг “Қамоқ билан боғлиқ бўлмаган чораларга оид минимал стандарт қоидалари” (Токио қоидалари) асосида ўрганилган. Тадқиқот натижалари озодликни чеклаш жазосининг ижтимоий барқарорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, мазкур жазонинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** озодликни чеклаш, жиноий жазо, инсон ҳуқуқлари, жамият ҳафсизлиги, халқаро стандартлар.

## THE ESSENCE AND ROLE OF CUSTODIAL SENTENCES IN THE CRIMINAL PUNISHMENT SYSTEM

**Abstract.** This article analyzes the legal nature of custodial sentences, its philosophical foundations, and practices in different countries. In particular, the concept of custodial sentences in the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan is studied on the basis of international standards, including the UN “Standard Minimum Rules for Non-custodial Measures” (Tokyo Rules). The results of the study indicate the importance of custodial sentences in social stability and the protection of human rights. Also, proposals are made to increase the effectiveness of this punishment.

**Keywords:** custodial sentences, criminal punishment, human rights, public security, international standards.

## СУЩНОСТЬ И РОЛЬ НАКАЗАНИЯ В ВИДЕ ОГРАНИЧЕНИЯ СВОБОДЫ В СИСТЕМЕ УГОЛОВНЫХ НАКАЗАНИЙ

**Аннотация.** В статье анализируется правовая природа наказания в виде лишения свободы, его философские основы и практика его применения в различных странах. В частности, понятие ограничения свободы в уголовном законодательстве Республики Узбекистан было изучено на основе международных норм, в том числе «Минимальных стандартных правил ООН в отношении мер, не связанных с тюремным заключением» (Токийские правила).

*Результаты исследования демонстрируют важность наказания в виде лишения свободы в содействии социальной стабильности и защите прав человека. Также были высказаны предложения по повышению эффективности данного наказания.*

**Ключевые слова:** *ограничение свободы, уголовное наказание, права человека, общественная безопасность, международные стандарты.*

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, ҳавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият қаратилиб, жиноий жазолар тизими, уларни тайинлаш ва ижро этиш механизмларини қайтадан қўриб чиқиш мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги, бошқа жиноий жазолар қатори озодликни чеклаш жазоси, уни тайинлаш ва ижро этиш механизмларини ҳам комплекс тадқиқ қилинишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ўРҚ-389-сонли қонунига асосан амалдаги Жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган янги жазо тури сифатида озодликни чеклаш жазоси киритилди.

Ушбу жазо тури ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси (Озодликни чеклаш)да белгиланган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисмида (эски тахрирда) “озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат”лиги белгиланди.

Мазкур ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланиши ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталиши белгиланган бўлса, учинчи қисмида қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига юклаши мумкин бўлган қўшимча тақиқлар (чеклашлар) назарда тутилди.

Бундан ташқари ушбу моддада маҳкумга юклатилиши мумкин бўлган мажбуриятлар, жазони ўташдан қасддан бўйин товлаш оқибатлари ҳамда ушбу жазо тури тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида**”ги ва “**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида**”ги фармонлари ижросини таъминлаш борасида озодликни чеклаш жазосининг жиноят ва жиноят ҳуқуқий асосларини, уни тайинлаш амалиёти ва ижро этиш механизмларини қайта кўриб чиқиш, бу борадаги халқаро стандартлар ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали озодликни чеклаш жазосининг самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 04 августдаги “**Пробация\* тўғрисида**”ги ЎРҚ-938-сонли қонуни билан **48<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисми** “Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат” таҳрирда баён этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазолар ва уларни ижро этиш механизмларини такомиллаштиришга эътибор янада кучайди. Хусусан, 2023 йил 11 сентябрдаги “**“Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида**”ги 158-сон Фармонида конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш асосида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини **30 фоиздан 20 фоизга** тушириш вазифалари белгилаб берилди.

Озодликни чеклаш жазосининг бир қатор афзаллик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни инсонпарварлик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларга бўлган ҳолда тадқиқ қилиш ва кенг қўллаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бош мезони “**Инсон – жамият – давлат**” деган янги устувор тамойилни рўёбга чиқаришга қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 14-мақсадида “**жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш**”<sup>42</sup> белгиланган бўлиб, жазо тизимида озодликни чеклаш жазосининг мавжудлиги ушбу мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси (Инсонпарварлик принципи)да жазодан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши<sup>43</sup> мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Демак, жазо тизимидаги енгилроқ, яъни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар доирасининг кенглиги ўзида инсонпарварлик принципи белгиларини акс эттиради.

Жиноят қонунчилигида озодликни чеклаш жазосининг мавжудлиги жазо тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек судлар томонидан айбдорларга нисбатан жазо тайинлашда жазони максимал даражада индивидуаллаштиришга имкон беради.

Озодликни чеклаш жазосининг асосий афзаллиги шундаки, шахсга жиноий муҳит таъсирига тушиб қолмаслик учун яна бир имконият берилади.

Озодликни чеклаш жазоси қўлланилса, шахс оиласидан, маҳалласидан, меҳнат жамоасидан ажратилмайди ва натижада у ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Озодликни чеклаш жазосининг иқтисодий жиҳатдан афзаллиги, авваламбор, ушбу жазони ижросини таъминлаш учун давлат бюджетидан харажат талаб қилинмаслиги билан изоҳланади.

Зеро, статистик маълумотлар таҳлили, бугунги кунда энг кўп тайинланаётган жазолардан бири бу озодликни чеклаш жазоси эканлигини кўрсатмоқда.

Озодликни чеклаш жазоси оғирлик даражасига кўра озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жазолар чегарасида жойлашганлигини инобатга олсак, ушбу жазонинг жиноий жазолар тизимида бўлмаслиги озодликни чеклаш жазоси тайинланган аксарият маҳкумларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишига олиб келади.

Бундан ташқари, озодликни чеклаш жазоси қўлланилса, маҳкум жамиятдан ажратилмайди ва даромад топиш, топган даромадидан давлатга солиқ тўлаш, бир сўз билан айтганда давлат олдидаги молиявий мажбуриятларини тўла бажариш имкониятига эга бўлади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, озодликни чеклаш жазосини кенг қўллаш орқали:

**Биринчидан,** жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш, нафақат маҳкумнинг шаъни ва кадр-қимматини пасайтирадиган, унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубатларни келтириб чиқарадиган шафқатсиз муносабатлар йўқлигида, шунингдек, судлар томонидан айбдорларга нисбатан жазо тайинлашда жазони максимал даражада индивидуаллаштириш имкони вужудга келади;

**Иккинчидан,** жиноят содир этган шахсларнинг жамият ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топиши осонлашади ва улар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олди олинади.

**Учинчидан,** давлатнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини амалга оширишг йўналтирилган давлат сиёсати (пенитенциар) га ажратилаётган бюджет маблағлари тежалади.